

O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI

VOL. 1 ISS: 12 (2024)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN  СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА 

INSURANCE



№	MUNDARIJA	
1.	ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ Матиязова Санобар Ражаббайовна	1
2.	СУҒУРТА БОЗОРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ Жакбаров Сардор	4
3.	ТАКОФУЛ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ Абдуллаев Равшан Вахидович, Дадабаев Умиджон Абдусамат ўғли	7
4.	ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА МАҲСУЛОТИНИ СОТИШ КАНАЛЛАРИНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ Абдимўминова Саодат Тахиржонова	10
5.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЛАБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович	13
6.	O'ZBEKISTONDA SPORT SOHASINI MOLIYALASHTIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY JIHATLARI M.N.Mamatov	16
7.	SUVEREN KREDIT REYTINGNING MAMLUKAT MOLIYASIGA TA'SIRI Tog'ayniyazov Shohzodbek Ural o'g'li	19
8.	VENCHUR FONDLARINI TASHKIL ETISH: JARAYON VA STRATEGIYALAR Talapova Nargiza Baxriddinova	21
9.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ Имомов Хамдилла Хамдамович	24
10.	MILLIY IQTISODIYOTDA MAHALLIY BYUDJETLAR DAROMADLARINI SHAKLLANISHDA HUDUDLAR IQTISODIY VA INVESTITSION SALOHİYATINING NAZARIY ASOSLARI Yusupov Ruslan	27
11.	LOGISTIKA VA TA'MINOT ZANJIRI JARAYONLARINI INTEGRATSIYALASH UCHUN MOLIYAVIY BOSHQARUV STRATEGIYALARI Maxmudov Samariddin Baxriddinovich	31
12.	MDH MINTAQASIDA TRANSPORT SOHASIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA EOII TRANSPORT INTEGRATSIYASINING TASHQI OMILLARI VA XAVFLARI Xo'jayev Fazliddin Elmurodovich	35
13.	COMBATTING THE SHADOW ECONOMY AS AN IMPORTANT DIRECTION OF ECONOMIC POLICY FOR AN INCLUSIVE DEMOCRATIC SOCIETY (EXPERIENCE OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES AS AN EXPAMPLE) Norbaev Tura, Abduraufov Jaloliddin	37
14.	EVROOSIYO IQTISODIY HAMJAMIYATI BILAN IQTISODIY HAMKORLIK MUNOSABATLARINI TASHKIL ETISH TAMOIYILLARI Hamdamova Nilufar Hamdullo qizi	42



СУГУРТА БОЗОРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Жакбаров Сардор

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 12 DOI: https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/221	Мазкур мақолада сугурта билан боғлиқ масалалар юзасидан ваколатли давлат органлари ва ташкилотларга келиб тушган мурожаатлар ва уларнинг ижроси бўйича статистик маълумотлар, сугурта тўловлари асосиз рад этилган ёки ўз вақтида тўланмасдан келинаётган ҳолатлар бўйича амалий мисоллар, мавжуд муаммолар, амалдаги қонунчилик таҳлили ва сугурта қилдирувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Хитой Халқ Республикасининг тажрибаси тўғрисида сўз боради. <i>сугурта, сугурта бозори, сугурталовчи, сугурта қилдирувчи, сугурта товони, олдиндан тўлов тизими, сугурта қилдирувчи фойдасига таъқин қилиш принципи.</i>
KEYWORDS	

Кириш (Введение/Introduction)

Таъкидлаш лозимки, сугурта функцияларига тўлиқ таъсир қилиш ва сугурта шартномаси тарафларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун сугурта операцияси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тўғри тартибга солиш, шунингдек, уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш бугунги куннинг долзаб масалаларидан бири ҳисобланади. Сугурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш сугурта ҳуқуқининг асосини ташкил этиши эътиборга олинса, бу улар учун айниқса муҳимдир.

Маълумки, сугурталовчига бадал тўлашдан мақсад ундан иқтисодий ҳимояни сотиб олишдир. Бунда сугурталовчи ариза ва муқофотлар қабул қилингандан сўнг юзага келган сугурта ҳодисалари натижасида сугурта қилдирувчилар, сугурталанган шахслар ёки наф олувчиларга етган зарарлар ва шикастланишларни қоплаш орқали уларни иқтисодий ҳимоя қилиш мажбуриятини олади. Шу боисдан ҳам сугурта шартномасини сугурта бозори истеъмолчиларининг ўзига хос ҳимоя шартномаси дейиш мумкин.

Тадиққот усуллари (Методология/Methodology).

Мақолани тайёрлаш жараёнида умумлаштириш, тизимли таҳлил, киёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантикийлик, статистик материаллар таҳлили, қонунчилик ҳужжатларини шарҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты/Analysis and results).

Бугунги кунда сугурта бозорида сугурта компаниялари томонидан тўловларни асосиз рад этиш ёки ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари аҳолининг кўпайиб эътирозларига, шунингдек, сугурта хизматларига бўлган ишончи пасайишига ҳамда рақобат муҳитининг юзага келмаслигига сабаб бўлаётганини қайд этиш лозим.

Мисол учун, очиқланган статистик маълумотларга кўра, сугурта билан боғлиқ масалалар юзасидан 2022 йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан турли давлат органлари орқали, жумладан, Президент Администрацияси (1602 та), Вазирлар Маҳкамаси (5 та), Прокуратура органлари (139 та), Молия вазирлиги (17 та), Адлия вазирлиги (11 та), Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги (104 та) ва бошқа ташкилотлар орқали (19 та) жами 1897 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 76 таси юридик

шахслар ва 1821 таси жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу мурожаатларнинг 670 таси ихтиёрий сугурта, 1144 таси мажбурий сугурта турларига тегишли бўлса, 83 таси бошқа масалаларга юзасидан келиб тушган.

Шунингдек, сугурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган сугурта хизматларидан норозилик билдириб берилган энг кўп мурожаатлар бўйича 2022 йилдаги кўрсаткичларга эътибор берадиган бўлсак, умумий мурожаатлар ҳажмидаги улushiга кўра, энг юқори кўрсаткичлар Кафолат сугурта – 342 та (18%), Алфа Инвест – 277 та (14,6%), Ўзагросугурта – 221 та (11,6%), Апех Инсурансе – 150 та (7,9%) га тўғри келади. Мурожаатларнинг ҳудудлар кесимида тақсимланиши 2022 йилда энг юқориси Тошкент шаҳрида 543 та (28,6%), энг ками – Хоразм вилоятида 43 та (2,3%) дан иборат.

Ўтган 2023 йил давомида эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жами 3132 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шулардан 74 та юридик шахслар ва 3058 та жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади. Мурожаатларнинг 1315 таси ихтиёрий сугурта, 1756 таси мажбурий сугурта турларига тегишли бўлса, 61 таси бошқа масалалар юзасидан келиб тушган.

Мурожаатлар сонига эътибор бериладиган бўлса, миқдор йилдан йилга кўпайиб бормокда ва бу сугурта ташкилотлари томонидан ижро интизомига риоя этилишини қатъий назоратга олиш лозимлигидан далolat беради. Мазкур фикрнинг асоси ва маълумот ўрнида айтиш лозимки, ваколатли ташкилотлар томонидан юқоридаги мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида асосиз рад этилган ёки ўз вақтида тўланмасдан келинаётган ҳолатлар бўйича 2022 йилда 8 749,48 млн сўм, 2023 йилда эса 19 752,96 млн сўм сугурта тўловлари амалга оширилиши таъминланган.

Бундан ташқари, Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда қўрилган сугурта шартномасига доир ишлар юзасидан статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда 13 556 та иш кўриб тамомланган бўлиб, шундан 12 444 таси қаноатлантирилган, 80 та рад этилган, 53 та ариза бўйича иш юритиш тугатилган, 979 таси эса кўрмасдан қолдирилган. Шунингдек, 2023 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 25 106 та, 23 532 та, 148 та, 111 та ва 1315 тани ташкил этган. Қолаверса, юридик шахслар томонидан ўзининг

тадбиркорлик фаолияти хавфини сугурта қилиш шартномаси юзасидан Иқтисодий судларга келиб тушаётган даъво аризалари сони ҳам сезиларли даражада ошган.

Шу ўринда амалий бир мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йилда тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектининг тайёр маҳсулотлари сақланадиган ижара асосидаги омборхонасида электр симларидаги қисқа туташув оқибатида содир бўлган ёнгин натижасида маҳсулотлар ёниб, яроқсиз ҳолатга келган. Тарафлар ўртасида тузилган сугурта шартномасининг 4.1-бандига кўра, ушбу бандда кўрсатилган ҳодисалар натижасида сугурталанган мол-мулкнинг доимий сақланиш жойида зарарланиш, нобуд бўлиши ёки йўқотилиши сугурта ҳодисаси ҳисобланиши белгиланганлигига қарамадан, корхонанинг сугурта шартномасига асосан, содир бўлган ёнгин (сугурта ҳодисаси) туфайли етказилган зарарни қоплаб бериш ҳақидаги мурожаатлари сугурта ташкилоти томонидан турли баҳоналар рўқач қилинган ҳолда оқибатсиз қолдирилиб, сугурталанган мол-мулклар қиймати қоплаб берилмаган. Шундан сўнг тадбиркор ушбу масалада даъво аризаси билан иқтисодий судга мурожаат қилган. Суд тарафлар ўртасидаги ушбу низо жавобгарнинг ўз шартномавий мажбуриятини бажармагани сабабли келиб чиққан ва унинг ҳаракатсизлиги оқибатида тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган, деб ҳисоблаб даъво аризасини қаноатлантирган.

Демак, мазкур ҳолат ва ишдаги далиллар сугурта ташкилоти томонидан ўз зиммасига олинган шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганидан далолат беради. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни 14-моддасига кўра, сугурталовчи сугурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонунчиликда ёки сугурта шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни ва сугурта товони тўловларини амалга ошириши шарт эканлиги назарда тутилган.

Шунингдек, сугурта билан боғлиқ яна бир масала борки, бу сугурта қилдирувчилар учун қатта қийинчиликлар туғдиради. Яъни, бу иш бошига тушган ҳайдовчиларга яхши маълумки, қўтилмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида автотранспорт воситасига шикаст етгани учун сугурта компаниясидан сугурта тўловини ундириб олиш осон иш эмас. Агар транспорт воситаси бошқа бир транспорт воситаси билан ўқнашган ва тегишли тартибда иш қўзғатилиб, у судда қўрилгач етказилган зарарни ундириш ижро учун Мажбурий ижро бюросига ўтказилган бўлса, бу қийинчилик икки баробар ошади. Ўз навбатида, қарздор тўловни ихтиёрий амалга ошириш учун берилган вақт ичида, сугурта компаниясидан умидвор бўлиб, уларга мурожаат қилади. Айни шу нуктада сугурта компаниясининг сугурта тўловини ўз вақтида амалга оширмаслиги ҳайдовчиларнинг сарсон бўлишига, шунингдек, мажбурий ижро интизомига риоя этмаганлик учун қўшима жарималарга ҳам сабаб бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сугурта қилдирувчилар сугурта бозорининг истеъмолчилари ҳисобланади, шундай экан уларнинг ҳуқуқ ва мафатлари бир эмас, балки бир неча давлат органлари томонидан муҳофаза қилинади. Мисол учун, ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига фуқаролардан сугурта компанияси томонидан кўрсатилаётган хизматлардан норозилик билдирилган кўплаб эътирозли мурожаатлар келиб тушаётганлиги тез-тез кўзга ташланмоқда. Хусусан, Кўмитанинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан фуқаронинг мурожаати ўрганиб чиқилганда, у автомашинасида автохалокатга учраганлиги, барча керакли ҳужжатларни тўплаб, ўзи билан шартнома тузган сугурта компаниясига бир неча бор мурожаат қилганлиги, аммо сугурта компанияси ўз мажбуриятларини бажармаётганлиги аниқланган. Бу эса сугурта компанияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талаблари бузилганлигини билдиради. Қолаверса, автотранспорт воситаси ҳайдовчилари ва сугурта компанияси ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи “Транспорт вогдалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида” қонуннинг 23-моддасида сугурта товонини тўлаш тартиби қайд этилган. Мазкур тартибга кўра сугурта товонини тўлаш сугурталовчи сугурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай

амалга оширилиши лозим. Сугурталовчининг сугурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори сугурта қилдирувчига у сугурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат етганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва тоvon тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Бундай ҳолатлар республиканинг бошқа вилоятларида ҳам кузатишган ва Кўмитанинг ўрганишлари натижасида сугурта товони ундириб берилиши таъминланган.

Сугурта шартномалари юзасидан судларга ва бошқа ваколатли органларга келиб тушаётган аризалар таҳлили шунини кўрсатадики, биринчидан, низоларнинг аксарияти сугурта шартномаси бўйича олинган мажбуриятни бажариш, яъни сугурта ташкилотидан сугурта тўловларини ундириб бериш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, тарафлар ўртасида тузилган сугурта шартномаси бандлари юзасидан низолашиш, яъни сугурта ташкилотининг содир бўлган ҳодисаларни сугурта ҳодисаси сифатида тан олмаслик ҳолатлари ҳам кузатишмоқда. Бундай мурожаатлар сони кундан кунга ошиб бораётганлиги эса унга самарали ечим топиш зарурияти мавжудлигидан далолат беради. Ўз навбатида, бу ривожланган ҳорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни тақозо этмоқда.

Биринчи масала юзасидан фикр юритадиган бўлсак, ҳозирги кундаги ривожланган давлатлардан бири бўлган Хитой Халқ Республикасида бу борада яхши тажриба йўлга қўйилган. Хитойнинг “Сугурта тўғрисида” қонуни 2-моддасига кўра, «ушбу Қонунда қўлланилган «сугурта» атамаси тижорат сугуртаси битимини аналатади, бунда сугурта аризаласи шартномага мувофиқ, сугурталовчига сугурта мукофотларини тўлайди ва сугурталовчи унга сугурта ҳодисаси натижасида етказилган мулккий йўқотиш ёки зарарни қоплаш, шартномада келишилган шартли воқеа содир бўлганда ёки сугурталанган шахс вафот етганида, жароҳат олганида ёки ногирон бўлганда, касалликка чалинганда ёки шартномада келишилган ёшга ёки муддатга етганида сугурта тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Хитойда “иқтисодий компенсация принципи” (the principle of economic compensation) сугурта операциялари ва унинг назоратини тартибга солувчи асосий қоңдадир. Ушбу принципни тоvon тўлаш принципини (the indemnity principle) деб аташ мумкин. Мазкур тамойилнинг ўрнатилиши сугурта қилдирувчиларни тўлиқ иқтисодий ҳимояга олиб келади ва бу сугурта қонунининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Шу билан бирга, миллий қонунчилигимизда назарда тутилгани каби Хитойнинг сугурта билан боғлиқ қонун ҳужжатларида ҳам сугурталовчи тўлов мажбуриятини ўз вақтида бажариши кераклиги белгиланган. Бироқ, масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, юқоридаги шартларга қўшимча равишда, Хитойнинг “Сугурта тўғрисида”ги қонуни 26-моддасига асосан сугурта қилдирувчининг зарарига олиб келадиغان сугурта тўловининг кечикишини олдини олиш мақсадида “олдиндан тўлов тизими” жорий қилинган. Унга кўра, “агар сугурталовчи ариза ва унга тегишли ҳужжатлар ҳамда материалларни олган кундан бошлаб 60 кун ичида тўлов миқдорини белгилай олмаса, сугурталовчи жорий ҳужжатлар ва материаллар билан тасдиқланган олдиндан тўловнинг маълум миқдорини белгилаши ва уни тўлаши лозим. Сугурталовчи тўлов миқдори тўлиқ аниқлангандан сўнг қолдиқни тўлаши керак”.

Сугурта шартномасини тўғри талқин қилиш муайян ҳолатларда низоларни ҳал қилишнинг асосий усули ҳисобланади. Сугурталовчиларнинг ниятлари ва шартномада қўлланилган ибораларнинг маъносини ҳисобга олиш, шунингдек сугурта шартномасини стандартлаштириш адолатли таъминлаш учун зарурдир. Хитойнинг сугурта қонунчилигига “сугурта қилдирувчи фойдасига талқин қилиш” принципининг киритилганлиги унинг яна бир ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Хусусан, Қонуннинг 31-моддасида “агар бир томондан сугурталовчи ва бошқа томондан сугурта қилдирувчи, сугурталанган шахс ёки наф олувчи ўртасида сугурта шартномасининг бандлари бўйича низолар келиб чиқса, халқ суди ёки ҳакамлик суди томонидан низоли масалалар сугурта қилдирувчи ва наф олувчи фойдасига ҳал қилиниши лозим”, эканлиги белгиланган.

Хулоса (Заключение / Conclusion).

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сугурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш сугурта ҳуқуқининг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, амалиётда юзага келаётган муаммоли ҳолатларга барҳам бериш, сугурта бозори истеъмолчиларининг ҳеч қандай сарсонгарчилигисиз сугурта тўловлари ўз вақтида тўланишига эришиш учун мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш лозим. Бунда Хитой Халқ Республикасининг тажрибасидан келиб чиқиб, сугурта

қилдирувчиларнинг зарарига олиб келадиган сугурта тўловлари кечикишини олдини олиш мақсадида “олдиндан тўлов тизими”ни миллий амалиётга жорий қилиш таклиф этилади ва бу ўз навбатида, сугурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ижобий самара беради деган, фикрдамиз.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Сугурта фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-730-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5739117>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш” тўғрисида” ЎРҚ-155-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/1342474>
3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-I-сонли “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни. <https://lex.uz/docs/4704>
4. Закон КНР «О страховании». <https://ru.theorychina.org.cn/c/2012-09-25/1301544.shtml>
5. <https://stat.sud.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб сайти.
6. <https://uza.uz> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий веб сайти.
7. <https://raqobat.gov.uz> – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг расмий веб сайти.
8. <https://imda.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги сайти...